

АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИДА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Низомиддин Шералиевич Бердалиев

Тошкент архитектура ва қурилиш институти доценти
[journal88@mail.ru](mailto:jurnal88@mail.ru)

АННОТАЦИЯ

Мақолада Амир Темур фалоиятида ислом дини, ислом мағкураси, унинг кучли марказлашган давлат барпо этишда шариат ва тариқат илмларини тўла татбиқ этиши, ислом дини ва ислом мағкурасини қадрлаш билан муваффакиятга эришиши ва у томонидан ислом динига муносабат тамойилини ишлаб чиққанлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Амир Темур, ислом дини, ислом мағкураси, шариат ва тариқат, илм, ислом динига муносабат тамойили.

ABSTRACT

The article describes the activities of Amir Temur in the Islamic religion, Islamic ideology, his full use of Sharia and theological sciences in building a strong centralized state, his success in respecting the ideology of Islam and Islam religion, as well as the principle of his attitude to Islam.

Keywords: Amir Temur, the religion of Islam, Islamic ideology, Sharia, science, the principle of attitude to Islam.

КИРИШ

Мустақиллик бизга тарихимизни холис ва ҳаққоний идрок этиш, номлари унутилишга маҳкум этилган аждодларимиз ҳақида тўлақонли билиш имкониятини қайтарди. Мана шу имконият туфайли тарихимизнинг номаълум саҳифалари ва қатағон этилган боболаримизга, жумладан, Амир Темурга бағишлаб асарлар ёзишга йўл очилди.

XIV асрнинг иккинчи ярми XV аср Ватанимиз тарихида воқеаларга ниҳоятда бой тарихий ижтимоий сабоқ даври ҳисобланади, чунки бу даврда мўгуллар ҳукмронлиги ва феодал тарқоқлик тутатилиб, босқинчиларнинг вайронагарчиликлари ва бир ярим асрлик зулмлари оқибатида иқтисодий, маданий-маърифий тургунлик ҳолатига тушиб қолган мамлакатимиз ўз мустақиллигини қайта тиклашга киришди. Бу минтақада Амир Темур (1336-1405 йиллар) бошчилигига

ягона түғ остида марказлашган, кучли ва мустақил давлат ташкил топди. Марказий Осиё халқлари ҳаётида юз берган бу тарихий жараёнда шубҳасиз Соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари буюқдир.

Бу ақлли ва билимли инсон ўз давлатининг куч-қудратини ошириш ва мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда ҳарбий ва энг муҳим иқтисодий ислоҳотлар ўтказди. Бу ислоҳотлар заминида аввалги давр донишманларининг ақл-идроқи, ғоялари мужассам эди, айниқса, тараққиёт учун ягона давлат, ўзаро тотувлик, ишбилармонларга кулай мулкий ва ҳуқуқий шароит яратишга, айниқса савдо-сотиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

У Мовароуннаҳри ягона давлатга бирлаштириш билан чегараланмади, давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асосларини шакллантириб ва мустаҳкамлаб, буюк салтанат даражасига кўтарди. 27 давлатни бирлаштирган Амир Темур салтанатига маҳобати, маънавий ва илмий кашфиётларининг бойлиги, барқарорлиги ва қудрати борасида ўша даврнинг бирорта давлати тенглашолмайди. Бу тарихий ҳақиқатдир.

Темурнинг отаси Муҳаммад Тарагай Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган барлос қавмидан чиққан обрўли беклардан бири бўлиб, Темурнинг жаҳонга ҳукмдор бўладиган фарзанд бўлиши ҳақида биринчи бўлиб, авлиё шайх Шамсаддин Кулолдан эшитиб, ўғлининг илм олишига жуда катта эътибор қаратган. Амир Темур илк бор Кешдаги мадрасаларда билим олган. Бу ерда етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлиб бу эса ўқув услубларини такомиллаштиришга ҳам катта ёрдам берарган. Тўққиз ёшли Темур Қуръони Каримни ёддан билган. Темур мадрасанинг бошланғич даврини муваффақиятли тамомлагандан сўнг, таҳсилни Мадрасаи Олияларда давом эттирган. Ўқиши давомида у жаҳон мамлакатларининг тарихи, ислом таълимоти ва ҳуқуқшунослиги, ҳандаса, риёзиёт, жуғрофия ва фалакиёт илмларини пухта ўрганган, маънавий оламини бойитган. «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чукур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) таъбири тагига на текислигу, на ғадир-будур орқали йўл топилади»[1]. У нафақат Қуръони Каримни, балки араб, турк машойихларининг дурдона фикрларини ҳам ёд олган. Бўлажак жаҳонгирнинг бехад жарангдор ва ёқимли овози кишиларни ўзига ром этиб, дилларга завқ-шавқ бағишилаган. Диний илмни нафақат ўрганган, шунингдек, унга амал қилган ва қадирлаганлиги, устозларини доимо ҳурмат қилганлиг ва улар берган ўгитларга амал қилганлиги унинг маънавий етук инсонлигидан далолатдир.

АДАБИЁЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мақолада мантиқийлик, функционал-тизимлилик, таҳлил, моделлаштириш каби методлардан, шунингдек республикамиз олимлари тадқиқотларидан фойдаланилган.

Маълумки, XIV-XV асрларда ислом мафкураси ўзининг расмий ҳукмронлиги учун кураш олиб борди, бунинг натижасида у кучли марказлашган давлат барпо бўлишига ёрдам берди [2]. Йилномалар ва тарихий манбаларда Темурнинг динга муносабати ўзининг яққол ифодасини топган. Темур нимаики қилса, шариат доирасида, мусулмон фикҳи қоидаларига таяниб, умуман Ислом қудрати билан иш тутди. Бу эса Темурнинг ўз пири Абу Бакр Тойибодийнинг «rosti-raсти» яъни, «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан» ҳикматини, ўз тамғасига муҳр сифатида ўрнаштирган эди [3]. Жумладан, ислом динига муносабат тамойилини ишлаб чиққанлиги бутун темурийлар учун дастур вазифасини ўтади. Чунки Темур ислом динига давлатни идора қиласиган сиёсий тамойили йўқлиги учун эмас, балки унинг халқقا энг яқин ва маъқул қадрият бўлганлиги ҳамда унинг инсонпарвар хусусияти учун тўла таянган. Темур ўз «Тузуклари»да ислом дини ва шариат қонунларига таянмайдиган ҳокимият узоққа бормай, ўз қудратини йўқотади, шунинг учун подшоҳлик, албатта, дин ва шариат қонунқоидаларига сўзсиз амал қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Амир Темур адолатли ҳукумдор сифатида майдонга чиқиб, ўз салтанати сиёсатини тасаввуф асосига қурган адолат байроғини баланд кўтариб, халқни қуруқ қонун-қоидага эмас, балки инсоний тартиб-интизомга бўйсунишга чақирган. Тасаввухнинг ривожланишини янгича хусусият билан бойитган ва унинг дунёвийлик аҳамиятини янада кенгайтирган [4]. Амир Темур ҳар гал Куръони Каримдан сўнг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак номларини ҳадсиз хурмат-эҳтиром билан тилга олади, ул ҳазратнинг саҳобаларини ва авлодлари – сайдларни ўзининг ягона ва энг яхши дўсти деб билиб, исломга тааллуқли ишларни дунёвий ишлардан устун қўйди. «Аввал Тангри таоло тоатини адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим». Ҳамда, «Мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим... давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим Тангри-таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим, ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим,[5] «Қайси мамлакатда диндан

қайтишлик (илход) ва зиндиқлик (худосизлик, динга ишонмаслик) кучайса ва у диёрнинг аҳолиси, сипоҳу раияти турли маслакка кириб, иттифоқлари бузилса, у мамлакатнинг ҳалокати яқиндир»[6] деган фикрлари бунинг яққол мисолидир.

Амир Темур давлатни қандай бошқарганлигини ўзининг “Ўз тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину тартиб асосида қурилмас, тўра-тузукка боғланмас экан, ундан салтанатнинг шукухи қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат ялангоч одамга ўхшайдирким, кўрган ҳар кимса (ундан) нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.”[7] - деган фикрлари билан ифодалаган. Дарҳақиқат, давлат нафақат дунёвий балки, дину тартиб асосида қурилмаса ва унинг мазмuni қонунларга боғланмаса, ундан салтанатнинг қудратини йўқотади.

НАТИЖАЛАР

Темуршунос олимларнинг унинг давлат бошқарувини қўйдаги фикрлар билан асослайдилар. Яъни, Темур салтанати – империясининг бошқариш қонун-қоидалари Накшбандий тариқати ғоялари билан асосланган, Темур тузукларининг вужудга келиши, кучли мафкуравий назария ҳамда бой амалий тажрибалар маҳсули сифатида майдонга келганлиги кўрсатиб ўтилади. «Ана шу тарзда Накшбандия тариқати ғоялари Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда ва салтанатнинг бошқа ҳудудларида кучли ижтимоий мафкурага айланди [8]. Амир Темур маънавиятининг шаклланишида, унинг диний, фалсафий қарашлари ва ўз таълимотини яратишида, фақат Накшбандийликни такоррлайвериша илмий асос йўқ [9]. Файласуф олим С.Каримов ушбу ҳолатларнинг барчасини назарда тутади, шекилли, Амир Темурни бирон-бир тариқат ёки сулукнинг муриди эмас, балки умуман «...сўфиylарнинг муюширлари (сухбатдошлари, шериклари), яъни тасаввуф аҳлининг мухлиси, дўсти деб айтиш, мувоғиқ бўлади, – деб хисоблайди, чунки сўфий ҳеч нарсага банд ва гирифтор бўлмаслиги керак. Амир эса салтанат эл-улус ташвишлари билан банд, мудом тоат-ибодат билан ҳаёт кечиришга имкони йўқ шахс»[10]. Дарҳақиқат шундай катта давлатнинг бошлиғи тарафдорлик қилиб, бирон-бир тариқатга устунлик бериши мумкин эмас эди. Темур ўз салтанати сиёсатини амалга оширишида дунёвий илмларни ҳамда сиёсат тамойилларни, ўтмишдаги давлат бошлиқлари сиёсий - қарашларини ўрганиш ва қабул қилиш, балки ислом, шариат,

тариқат, футувват илмларини тўла эгаллаш билангина эмас, уларга амал қилган ҳолда муваффақиятли сиёсат юргизиш мумкинлигини англаб етган.

МУХОКАМА

Амир Темур ўз сиёсатини дунёвий илмлар ҳамда сиёсат тамойилларни, ўтмишдаги давлат бошлиқлари сиёсий қарашларини ўрганиш ва амалда қўллаш билангина эмас, балки ислом шариати ва тариқати илмларини тўла татбиқ этиш ва қадрлаш билан муваффақиятга эришиш мумкинлигини англаб етганлиги сабабли ана шундай қудратли давлат барпо этган.

Дарҳақиқат, диний билимларга тўйинган Амир Темур ўз сиёсатининг фалсафасини қадриятлар негизида қуриш асосида дин ва давлат мувозанатининг самарли воситаларини шакллантиришга эришади. Бу эса ўз навбатида талатўп ихтилофларда юрган Моварауннаҳр халқини бирлаштирувчи миллий мафкурага айланади.

ХУЛОСА

Амир Темур адолат ҳақидаги ўз қарашларини диний қариятлар асосида баён қилиб, исломга, унинг олимларига юксак ҳурмати ва ўзининг юксак маънавиятли мусулмон сифатида давлатни ислом қонун-қоидалари асосида тузиши ҳам Мовароуннаҳрнинг диний марказга, тасаввуф марказига айланишига олиб келади.

Амир Темур ислом дини таълимоти ва турли халқлар маданий меросини чуқур ўрганган ва унга амал қилишининг тартиб-қоидаларини ташкил этишга эришган ва қадрлаган буюк давлат арбоби ҳамда йирик тафаккур соҳиби сифатида намоён бўлади.

Давлатчилик тарихий тажрибалар Амир Темур яратган сиёсат фалсафаси манфаатларни умумлаштиришда, халқнинг юксак мақсадларига эришишида самарали ва ижобий таълимот эканлигини исботлаб келмоқда. Бугун давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш, кучлар ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш, ривожланишнинг барқарор шакл ва воситалари тадбиқ этишда, миллатлар ва динлараро бағрикенглик фалсафасини ўрганишда Амир Темур мероси ҳалоскор ғояга айланган.

Шу нуқтаи назардан, дин ва давлат муносабатларини тартибга солишининг илмий асосларини яратишда Амир Темур бобомиз меросига мурожаат қилиш эҳтиёжи сақланиб келмоқда.

REFERENCES

1. Ибн Арабшоҳ Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари. 2-қисм. – Тошкент: Мехнат, 1992, 71-б.
2. Каримов С.К. Амир Темур ижтимоий-сиёсий таълимотининг асосий тамоилилари. Ўрта Осиё социологик фикрлари тарихидан (Ўкув қўлланма). – Самарқанд: СамДУ, 168-б.
3. Ибн Арабшоҳ. «Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари. 2-қисм. – Тошкент: Мехнат, 1992, 65-б.
4. Каримов С.К. Амир Темурнинг тасаввувга муносабати. Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни. 17-18 бетлар. Халқаро илмий конференция маъruzalari баёни. – Самарқанд, 1996. 22-23 май.
5. Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000. 260-262-б.
6. Мен ким фотиҳи Темур. // Шарқ ўлдузи, 1995, №1-11.
7. Темур тузуклари. “Shodlik nashriyoti”, 2018. 75 б
8. Фойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. – Тошкент, 2001, 10-б.
9. Яхшиликов Ж., Ахадов Ш. Темурийлар маънавияти. – Тошкент: Фан, 1999, 34-б.
10. Каримов С.К. У фоний бўлмаган (Амир Темур ва тасаввуф). // Гулистон, 1996, №5, 9-б.